Фикр дурдоналари (26-қисм)

14:49 / 11.04.2017 4634

131. Саодатнинг тўрт қоидаси:

1. Сенинг ҳаққингда ҳар қанча хато қилса ҳам, ҳеч кимни ёмон кўрма!

2. Шаънинг ҳар қанча юксак бўлса ҳам, оддий яша!

3. Бало ҳар қанча кўпайса ҳам, яхшиликни кут!

4. Ҳатто оз нарсага эга бўлсанг ҳам, кўп эҳсон, садақа қил!

132. Сени намозга бошламайдиган қадамлар жаннатга ҳам бошламайди!

133. Кўп ҳолларда Аллоҳ сендан сен хоҳлаётган нарсани манъ қилади. Сенга ўзинг муҳтож бўлиб турган нарсани бериши учун шундай қилади.

134. Қалбларнинг энг афзали: содиқ қалбдир. Одамларнинг энг афзали: сени Аллоҳ розилиги йўлида яхши кўргани учун сени унутмайдиган кишидир. Кунларнинг энг афзали: гуноҳсиз ўтказган кунингдир. Ҳадяларнинг энг афзали: сени дуо қилиш учун кўтарилган қўллар бўлиб, сенинг бундан хабаринг йўқ.

135. Қаерда бўлсанг ҳам, агар юзингни Роббинг тарафга бурмасанг (қиблага юзланмасанг, намоз ўқимасанг), ҳақиқий хотиржамлик ва чинакам саодатни ҳаргиз топа олмайсан. Бас, шундай экан, Аллоҳга

яқинлаш, бахтли бўласан.

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари), “Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

Нозимжон Ҳошимжон *таржимаси*